

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (ЭХНАТ) нинг жорий этилиши муносабати билан истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборларидаги кўрсаткичлар автоматлаштирилган тизимнинг техник параметрларига мувофиқ, бироқ бир ойда камида бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича ёзиб олинмади.

«Корхона» «Истеъмолчи»нинг шахсий ҳисоб-рақам ва ҳисобга олиш приборларининг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар доимий асосда шакллантирилиши ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизимига реал вақт режимида юборилишини таъминлайди.

3.12. Шартномада ҳисоб-китоб лаври учун кўрсатилган энергия миқдордан 5 фонздан ортик миқдорда энергия истеъмол қилганда, «Истеъмолчи»дан шартномада кўрсатилган миқдордан ортик истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ҳажми учун белгилаган тарифнинг 1,15 баравари миқдорда тўлов ундирилади.

«Истеъмолчи»нинг электр энергияси ҳақини тўлаш, реактив энергия компенсацияси учун тарифга устамалар, шунингдек, ноконуний фойдаланилган электр энергияси қайта ҳисоб-китоби ва пеня бўйича қарзи бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

«Истеъмолчи» шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлик истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тарикасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди.

Ҳисоб-китоб ойнадан кейинги календар ой тугагач қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун учун «Истеъмолчи»га тўлов муддати ўтган сумманинг 0,1 фонзи миқдорда, электр энергияси мақсус тартибда етказиб берилмаган корхоналар учун эса 0,2 фонз миқдорда пеня ҳисоблаб ёзилди. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловнинг 50 фонзидан ошмаслиги лозим.

3.13. «Истеъмолчи» ва «Корхона» ҳар ойда ҳисоб-китоб лаври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш даволатномасини тузади.

3.14. «Истеъмолчи»ни қуйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:  
шартномавий мажбуриятлари бажарилмаганда;  
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган электр энергияси учун қарздорлик маъжуд бўлганда;

Корхона талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг тегишли вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олишга йўл қўйилмаганда;

ҳисобга олиш приборларини қасддан бузганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида электр энергияси билан аришган ҳолатда қўйилган ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда; уларнинг ишлашига ташқаридан аралашуш фойдаланилгани, электр тармоқларига ноконуний улануш, талон-тароҳ қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда.

3.15. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, «Истеъмолчи»ни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.16. «Истеъмолчи» томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарздорлик ва тўлов пайтидаги базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баравари миқдорда тўлов ундирилгандан сўнг тармоқга қайта уланади (ЭХНАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.17. «Истеъмолчи» электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича электр энергиясининг умумий ҳажмидан олинмаган уллушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.18. «Истеъмолчи» томонидан истеъмол қилинган электр энергияси учун тўлов тарифлари қуйидаги ҳолатлар аҳоли учун белгиланган тарифларга тенглаштирилади:

Электр таъминотининг шартномасига  
5-илова

## Энергия (актив, реактив) сарфи бўйича ҲИСОБОТ

2024 йил \_\_\_\_\_ ойи бўйича

Кўрсаткичлар қайд этилган сана « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ йил. 20

Уланган жой номи, ҳисобга олиш приборининг завод рақами, ҳисобга олиш тури (актив, реактив)	Ҳисоб-китоб коэффициенти			Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари	Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичларининг фарқи	Сарф кВт.с., кВт.с	Табақалаштирилган тариф бўйича сарф кВт.с				
	ток трансформаторининг (ТТ)	кучланмиш трансформаторининг (КТ)	умумий				Эрта-дебқи вақт	Кун	Кечин	Тун	
1	2	3	4	5	6	7	савт 6-9	савт 9-17	савт 17-22	савт 22-24	савт 0-6
							9	10	11	12	13
Жами											

Изоҳ: 7 устун = 6 устун \* 5 устун, 8 устун = 7 устун \* 4 устун, 9 устун = 9 устун + 10 устун + 11 устун + 12 устун + 13 устун



Истеъмолчи раҳбари

М.Ў.

Ф.И.Ш.имзоси

Корхона энергетиги

Ф. И. Ш. имзоси